



## РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Максумов Ботир Рустам ўғли - МГФ-01 гуруҳи  
магистранти

Ўзбекистон ҳалқаро молия муносабатларининг жаҳон хамжамиятига интеграциялашувида ҳалқаро молия бозори муҳим аҳамият касб этади. Дунё тажрибасида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун ҳалқаро молия бозори орқали маблағлар жалб қилиш анаъна тусига кириб улгурган. Бунда асосан еврооблигациялардан фойдаланишади. Бундай молиявий инструментлар эмитент томонидан хориж валютасида муомалага чиқариладиган узоқ муддатли қимматбаҳо қофозлардир. Еврооблигация (молиячилар томонидан ушбу инструмент “евробонд” деб ҳам аталади)лар чет эл мамлакатларида 1 йилдан 40 йилгача бўлган муддатга хорижий валютада муомалага чиқарилиб, унинг эмитени маблағ ресурсларини олишдан манфаатдор бўлган ҳукуматлар, ҳалқаро ташкилотлар, банклар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, йирик корпорациялар ҳисобланади. Қарздорлик мажбурияти сифатида муомалада бўладиган бундай молиявий инструментлар юқорида санаб ўтилган субъектларнинг ҳалқаро капитал бозорига чиқишни янада енгиллаштиради, Ўзбекистон банкларига эса ҳалқаро рейтинг компаниялари рейтингига эга бўлгандан сўнг, хориждан янада паст ставкаларда маблағлар жалб этиши имконияти яратилади, ҳамда эмитентнинг ишонччилигини рейтинг агентликлари кузатиб боради. Натижада маҳаллий, ҳам ҳалқаро компаниялар учун фонд бозорларида қатнашиш имконияти пайдо бўлади. Давлатлар томонидан евробондларни муомалага чиқариш ва жойлаштирилиши самарадорлиги, тегишли норматив-ҳуқуқий базани ҳалқаро стандартларга мувофиқ ҳолга келтириши, шаффоғ ҳамда инвесторлар учун тушунарли бўлиши керак.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда молиявий секторни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар қаторига, инвестициялаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиласидиган фонд бозори инструментлари обьекти сифатида муомалада бўлиши мумкин бўлган давлат қимматли қофозлари, суверен евробондлар, ҳалқаро облигациялар ва олтин савдосига таллукли ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган ва молия бозоридаги савдоси бошлаб юборилган. Республикаизда ҳам жаҳон молия бозорига кириш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 2018 йилдан бошлаб евробондларни муомалага чиқариш ва жойлаштириш ни эътиборга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта қарз облигацияларини ёпиш муддати тегишлича 2024 йил февралигача 5 йилга мўжалланган 500 миллион долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 2029 йил февралигача бўлган 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан жойлаштириди. Истемолчилари сифатида евробондларнинг аксариятини — 75% ва 78%ини бошқарув фонdlари, 20% ва 16 фоизини суғурта компаниялари ва пенсия фонdlари, 5% ва 6% фоизини банклар



харид қилди<sup>15</sup>. Бундан кўриниб турибдики, жаҳон фонд бозорида евробондларнинг асосий харидорлари институтционал инвесторлар ҳисобланади.

Республикамизда ҳам давлат корхоналари ва банклари томонидан ҳалқаро меъёрлар ва талаблар асосида ўз молиявий ҳисботларининг шаффофлигини таъминлаш, “Fitch”, “S&P” ва “Moody’s” ҳалқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда ҳалқаро кредит рейтингини олиниши натижасида 2019-2021 йилларда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ўзмиллийбанк” АЖ, “Ипотека-банк” АТИБ, “ЎзАвто Моторс” АЖ ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан умумий ҳажми қарийб 2 млрд. АҚШ долларлик маблағлар ҳалқаро облигациялар чиқариш орқали жаҳон бозоридан жалб қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат қарзи тўғрисида”ги<sup>16</sup> қонуни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди. Давлат қарзи портфелини диверсификация қилиш ва валюта хатарини пасайтириш мақсадида давлат қарзини хорижий валютадаги улушкини босқичма-босқич пасайтириш учун миллий валютадаги ҳалқаро облигациялар чиқариш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, 2020-2021 йилларда миллий валютада 4,5 трлн. сўмлик суверен ҳалқаро облигациялар Лондон фонд биржасида жойлаштирилган бўлса, ўрта муддатда суверен ҳалқаро облигацияларда миллий валютадаги улушкини бозор шартларидан келиб чиқиб ошириб бориш белгиланди. Ички молия бозорини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳажми 2018 йилдаги 597 млрд сўмдан 2021 йилда 4,9 трлн. сўмга етказилди (2022 йилнинг дастлабки 9 ойида 8,4 трлн. сўм) ҳамда давлат қимматли қоғозларининг муомала даври 10 йилгacha узайтирилди.

Кейинги пайтларда дунё миқиёсидаги глобал инфляцион ҳолат, айниқса АҚШ федерал резерв тизими ёки Европа марказий банки фоиз ставкаларининг ошаётгани Ўзбекистондек ривожланаётган мамлакатлар ташки қарзига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иктисодий кризисидан кейин дунё молия бозорида фоиз ставкаларининг барқарорлашгани кўплаб давлатларда узок муддатларга жалб қилинадиган бундай инструмент - еврободларда риск мавжудлиги эътибордан четда қолган бўлиши мумкин. Айнан давлат қарзини юзага келтирадиган евробондларни бошқараётганда, унга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар бир омилни инобатга олиш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан суверен ҳалқаро облигацияларини, айниқса миллий валютадаги суверен ҳалқаро облигацияларини ҳалқаро молия бозорларида жойлаштирилиши мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга. Ҳалқаро молия бозорларида жойлаштирилган суверен ҳалқаро облигацияларининг нархлари ва даромадлилиги қўйида келтирилган.

2022 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига суверен ҳалқаро облигацияларининг нархлари қўйидагicha<sup>17</sup>:

<sup>15</sup>Султанов М.А. Ўзбекистонда инвестиция фондлари жозибадорлигини оширишда инвестициялаш объектарини кенгайтириш масалалари. “Миллий иктисолиёт рақобатбардошлигини оширишда хорижий инвестициялар, рақамли иктисолиёт ва инновациянинг роли:миллий ва хорижий тажриба” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТДЮУ. 2019 йил 28 марта. 293-295 бб.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-836-сонли “Давлат қарзи тўғрисида”ги<sup>16</sup> Конуни. 2023 йил 29 апрель.

<sup>17</sup> Манба: Bloomberg



## АҚШ долларида:

- сўндириш муддати 20/02/2024: 95,32%;
- сўндириш муддати 20/02/2029: 84,05%;
- сўндириш муддати 25/11/2030: 72,43%;
- сўндириш муддати 19/10/2031: 71,55%.

## Миллий валюта сўмда:

- сўндириш муддати 25/11/2023: 96,86%;
- сўндириш муддати 19/07/2024: 94,29%.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ғазначилик мажбуриятлари ва облигацияларини муомалага чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 декабрдаги 1016-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 82-сонли Қарори тасдиқланди. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси резидентлари (шу жумладан, жисмоний шахслар) ва норезидентлари томонидан давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилди. 2022 йил 1 ноябрь куни илк бор Ўзбекистон республика валюта биржаси (ЎзРВБ) аукцион савдоларида хорижий инвестор (Европа тикланиш ва тараққиёт банки) томонидан “Асака банк” АЖ дилерлигига ДҚҚни сотиб олиш бўйича битимлар тузилди.

2022 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига суверен халқаро облигацияларининг даромадлилиги қуидаги кўринишга эга:

## АҚШ долларида:

- сўндириш муддати 20/02/2024: 8,63%;
- сўндириш муддати 20/02/2029: 8,72%;
- сўндириш муддати 25/11/2030: 8,49%;
- сўндириш муддати 19/10/2031: 8,50%.

## Миллий валюта сўмда:

- сўндириш муддати 25/11/2023: 17,81%;
- сўндириш муддати 19/07/2024: 17,97%.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг суверен халқаро облигацияларининг, айниқса, миллий валютадаги суверен халқаро облигацияларининг халқаро молия бозорларида жойлаштирилиши қуидагиларга хизмат қилмоқда:

- мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини халқаро инвесторларга батафсил намойиш этиш, хорижий инвесторлар учун республикамизга инвестиция киритишда суверен рискини тўғри баҳолаш имкониятини яратиш;

- суверен халқаро облигацияларининг иккиласми бозордаги котировкаси барқарор иқтисодий сиёsat юритиш барометри вазифасини яратиш;

- ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш;

- республиканинг тижорат банклари ва ташкилотлари учун “бенчмарк” бўлиб ва уларнинг йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштирилишига ва тадбиркорликни ривожлантирилишига имкон яратиш.



Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бундай молиявий инструментлар қарз мажбурияти бўлиб, муддати тугагач қайта сотиб олиниши керак. Ўзбекистон томонидан муомалага чиқарилган қарздорлик мажбуриятлари бўйича ставкаларининг иккиласми бозордаги холати ва истиқболлари хусусида регулятор О. Исоқовнинг фикрича: “иккиласми бозордаги ставкалар ўзгарди. Ҳозирда Ўзбекистон томонидан чиқарилган облигациялар 7-9 фоиз атрофида савода турибди. АҚШ ғазначилиги томонидан чиқарилган облигациялар 4-5 фоиз атрофида бўляпти. Ўтган йили биз 3,88 фоиздан чиқаргандик. АҚШ ғазначилиги чиқарган облигацияларнинг фоизи бизнинг ўтган йилги фоизларимиздан ҳам ошиб кетди. Шу жиҳатдан, базавий ставкалар ошганда бошқа облигацияларнинг ҳам фоиз ставкалари ошиши табиий ҳисобланади”<sup>18</sup>.

Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистон томонидан муомалага киритилган евробондларнинг фоиз ставкаси бозор ўзгаришларига боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларнинг фоиз ставкаси дунё миқиёсидаги глобал инфляцион ҳолат фонида ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида уларни сўндириш билан боғлиқ харажатларнинг ортишига, натижада давлат қарзининг ошишига олиб келади. Бу ҳақда молия вазири Тимур Ишметов “Ўзбекистон иқтисодиёти қийин босқичда ва янги қийинчиликлар билан юзлашяпмиз. Глобал рецессия фонида кредит жалб қилиш қимматлашиб, фоиз ставкалари ошмоқда. Яъни молиявий буферимиз чекланди”<sup>19</sup>. Бу шундан далолат берадики, мамлакатимиз дунё мамлакатларида давом этаётган глобал бекарорлик сабабли жаҳонда қарз олиш қимматлашиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда маблағларни асосан ички манбалар, жумладан “Тошкент” РФБ орқали жалб қилишга қаратиши лозим.

<sup>18</sup>Жаҳондаги бекарорлик Ўзбекистоннинг ташқи қарз бўйича режаларига қандай таъсир қилди? <https://kun.uz/news>.

<sup>19</sup> Т. Ишметов. Барча харажатларимизни кисқартиришимиз керак. <https://kun.uz/>